

Тижоратда тўғрисўзликка тарғиб

05:00 / 17.02.2017 3713

Тижорат инсониятнинг илк босқичларидан бери, дунё ва ҳаётнинг давом этиб келиши учун зарур бўлган касблардан бири экани шубҳасиз. Ана шундай улуғ мақомдаги касб ҳалол ва тўғрисўзлик ҳамда яхши ният ила адо этилса, у ибодат даражасига кўтарилади. “Тижорат ҳам ибодатдир” деганда шоир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларини назарда тутган бўлса ажаб эмас. Абу Саид разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилганлар:

ءادهش لى و نى قى دىصل لى و نى بى ن لى عم نى م لى ق و دىصل لى رج ات لى

“Тўғрисўз, ишончли савдогар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир!” (Имом Термизий ривояти, 3/1209).

Оламларга раҳмат қилиб юборилган Расули акрам, ҳабиби муҳтарам соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар савдогарлар ва тижорат аҳли тўғрисўз бўлсалар, савдо ишларида ўзаро ишончга эга бўлсалар, уларнинг даражалари юксак бўлишини башорат қилмоқдалар. Пайғамбарларнинг, сиддиқ ва шаҳидларнинг даражалари қиёматда нақадар улуғ бўлиши ўз-ўзидан маълум. “Эъло ус-сунан” да айтилишича, тижоратда тўғри сўз бўлишлик ва омонатдор, ишончли бўлиш пайғамбарлар, сиддиқ ва шаҳидларнинг афъолларидандир. Шунинг учун ҳам тўғрисўз ва ишончли савдогарлар улар билан бирга бўладилар. Агар тожирларнинг ниятлари холис бўлмаса, фақат ўзини ўйлаб, ўзгаларни ўйламайдиган бўлса ёки кофир ва фосиқ бўладиган бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган бундай шарафга муяссар бўла олмайдилар.

Бинобарин, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам савдогарларни пайғамбарлар, сиддиқ ва шаҳидларга ҳавас қилган ҳолда тўғрисўз ва ишончли бўлишларига тарғиб қилганлар. Бу йўлда ул зот доимо тарғибот ва ташвиқот ишларини шахсан ўзлари олиб борганлар. Керак ўринларда савдо аҳлини огоҳлантириб, қўрқитиб ҳам турганлар. Жумладан, Пайғамбар алайҳиссалом бир ҳайитда намозгоҳга чиқсалар, одамлар савдо-сотик билан шуғулланаётган эканлар. Уларга: “Эй, тижорат аҳли!”

дея мурожаат қилдилар. Савдогарлар бошларини кўтариб, кўзларини Расулуллоҳ томонга қаратадилар. Шу вақтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:

قدص و رب و وقت انم ال اراجف ةمايقلل موي نوثعب يراجتلا ن

“Қиёмат кунида савдогарлар ёлфончи гуноҳкор бўлиб тирилтириладилар. Фақат тақво қилган, яхшилик этган ва тўғри сўзлаган кимсалар бундан мустаснодир!” (Имом Термизий ривояти, 3/1210).

Савдогарлар ва тижоратчилар Аллоҳдан қўрқиб, тақво билан иш юритишлари лозим. Доим яхшиликни кўзлаб иш қилишлари, одамларга, ғариб-бечораларга яхшилик қилиб туришлари керак. Энг муҳими, савдода тўғрисўз бўлмоқлари даркор.

Абу Зарр ал-Ғифорий разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилганлар:

نم تلق .م ي ل ا باذع مه ل و مه ي كزي ال و ةمايقلل موي مه ي ل ا ل ل رظني ال ةثالث
قفنم ل ا و ،هرازا ل بس م ل ا و ،ن انم ل ا : ل ا ق اورس خ و اوباخ دق ف ه ل ل ا ل و س ر ا ي م ه
ب ذ ا ك ل ل ف ل ح ل ا ب ه ت ع ل س

“Қиёмат кунида Аллоҳ уч нафар кимсага назар солмайди ҳам, уларни покламайди ҳам. Уларга аламли азоблар бор!”. Шунда “Эй, Расулуллоҳ! Адашган ва хатолик йўл қўйиб, зиёнга учраган бу кимсалар кимлар?” деб сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Миннат қилувчи, иштонини судраб юрувчи, матосини ёлфон қасам билан берувчи” (Имом Термизий ривояти, 3/1211).

Мазкур ҳадиси шарифда яхшилигини доим миннат қиладиган, кибру ҳаво билан кийимини ерга судраб юрадиган, нарсасини ёлфондақа қасам билан сотувчи кимсаларнинг қиёматдаги аҳволлари баён қилинмоқда. Бу йўл билан ана ўша жирканч ишлардан ҳазар қилиш лозимлиги англатилмоқда.

Савдода тўғрисўз бўлиш жуда қийин ишдир. Бунинг учун савдогарлар доим Аллоҳни унутмасликлари, ҳамиша огоҳ туришлари, ўзларининг оғизларидан чиқаётган гап-сўзларга эътиборли бўлмоқлари лозим бўлади. Бу жиҳатни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам чуқур англаганлари боис унинг сабабларидан умматларини огоҳлантирганлар. Қайс ибн Ғараза разийаллоҳу анҳунинг айтишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даллол ва савдода воситачи бўлувчиларнинг олдига чиқиб, уларга қарата бундай деганлар:

مكعب اوبوشف، عيب ل نارضح م ثإل و ناطيش ل ن إ! راجت ل رشع م اي
ة قدصل اب

“Эй, савдогарлар жамоаси! Шайтон ва гуноҳ савдо-сотикда ҳозир бўлиб турадилар. Шунинг учун савдонгизни садақа билан аралаштириб туринглар!” (Имом Термизий ривояти, 3/1208).

Мазкур ҳадиси шарифда савдо-сотикда шайтон ҳозир бўлиб туриши билинмоқда. Унинг савдода ҳозирлиги савдогарларни йўлдан уриш учун бўлиши ўз-ўзидан маълум. Савдогарлар шайтондан ҳазир бўлиб, унинг савдо устида бўлиши мумкинлигидан огоҳ бўлиб савдо-сотик ишларини юритмоқлари даркор бўларкан. Акс ҳолда, шайтоннинг гапига киргани эвазига, озгина маблағ билан бирга гуноҳни ҳам ундириши мумкин экан. “Садақа радди бало” даганларидек, савдодан орттирган бойлигидан садақа ва эҳсон қилиб туриш шайтон ва гуноҳдан сақланиш кафолати экан. Демак, саховатли бойларни шайтоннинг васвасасига йўлиқишлар ва уларни йўлдан оздириши мумкинлиги камаяр экан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, тўғрисиўз ва ишончли савдогар бўлиш қиёматдаги даражаларнинг юксаклигига кафолатдир!

Ҳамидуллоҳ Беруний